

САЛОМАТЛИК МАСКНИ

Уч вилоятга хизмат қилади

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, «Соғлом авлод», «Она ва бола» Давлат дастурларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш устувор йўналишлар деб белгиланган.

Қашқадарё вилоятида ўсиб келаётган авлоднинг соғломлаштириш, даволаш-профилактика ишларини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, оила маданиятини ошириш, экстрагенитал касалликларни бўлган туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғилмак болани хомила давридан бошлаб назоратга олиш, аёлларни пухта тиббий кўриқдан ўтказиш соҳасида бир мунча ишлар амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида замонавий, жаҳон андозаларига мос, беморларга юқори малакали хизмат кўрсатадиган шифохоналар қурилишига алоҳида эътибор берилаяпти. Қарши шаҳрида республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг филиали очилди. Нафақат Қашқадарё, балки қўшни Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари аҳолисига ҳам хизмат кўрсатадиган бу маскан б 6 та бўлимдан иборат. Филиал жамоасининг асосий мақсади аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббиёт ходимларининг касб малакаларини оширишга қўмаклашишга қаратилган.

— Аҳоли саломатлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлоднинг тарбиялаш, жисмоний бакуват, руҳан тевик, интеллектуал ривожланган шахсни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириляпти, - дейди республика саломатлик институти вилоят филиали директори Шоира Набиева.

Тахрибали шифокорлар меҳнат жамоалари, маҳаллалар ва оилаларда бўлиб аёллар, қизлар саломатлиги, бола тарбияси, қавму-қариндошлар ўрта-


этилган. Ҳозирга қадар 102 нафар йигит-қиз ўқитилган. Шаҳар мактаблари ўқувчилари учун «Саломатлик» бурчаги ташкил этилган ва унда 1451 нафар ўсмир йигит-қизлар шугулланаяпти. Вилоят марказидаги меҳрибонлик уйида хотин-қизлар иштирокида «Миллатимиз келажаги аёллар саломатлигига боғлиқ», «Гиеҳвандлик XXI аср вабоси» мавзусида анжуманлар бўлиб ўтди.

Тахрибали шифокорлардан иборат гуруҳлар Чироқчи, Деҳқонобод, Баҳористон, Нишон ва Усмон Ҷуשוב туманларида ўқувчилар, талаба қизлар ва аёллар ўртасида «Репродуктив саломатлик нима?», «Сил ва унинг профилактикаси», «Балоғат даври», «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» мавзуларида давра сўхбатлари уюштирилиб, фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда касалликларни даволашда амалий ёрдам кўрсатдилар.


Вилоят саломатлик маркази томонидан «Гиеҳвандлик XXI аср вабоси», «Танада йод моддаси етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган касалликлар», «Камқонлик ва унинг олдини олиш», «Бола-гизни кўрак сuti билан эмизинг» сингари 4 мингдан ортиқ буклетлар чоп этилиб, қишлоқ ва маҳаллалар аҳолисига тарқатилди. Тахрибали врач Ш.Набиева тайёрлаган «Соғлом она - соғлом бола» лойиҳаси халқаро «СОРОС» жамғармаси томонидан маъқулланди. Лойиҳа воҳанинг 7 та тумани ва 700 дан ортиқ қишлоқ аёлларининг тиббий, ҳуқуқий маданиятини ошириш, ўткир юқумли ошқозон ичак касалликларининг олдини олиш, репродуктив саломатлик, бола парварлиши ва бошқа мавзуларни ўз ичига олади.

Жамғарма томонидан «Саломатлик маркази»га компьютер жаммаси ва 5742 АҚШ доллари миқдорда грант ажратилди, 12 мингдан ортиқ тиббиётга оид китоблар билан таъминланди.

Н. ТИЛЛАЕВ.



Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги уй-жойдан фойдаланиш кўп тармоқли хиссадорлик жамиятида 504 нафар ишчи меҳнат қилади. Айна пайтда 27 минг аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда.
Суратларда: ишчи Шамсиддин Тўраев; касабани уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Жўраев ишчилар билан галдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқда; кадрлар бўлими бошлиғи Олия Чориева ва ўз касбининг устаси Фотима Қурбонова.



И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

МУНОСИБ ТУХФА

— Яқинда Хонқа туманида замонавий лойиҳалар асосида 125 ўринга мўлжалланган, барча қўлайликларга эга «Хонқа сихатгоҳи» қурилиб ишга туширилди. Сихатгоҳ кўп тармоқли бўлиб, бу ерда юрак қон томирлари тизими, ҳаракат таянч аъзолари, асаб ва периферик нерв системаси, онкологик ва тери касалликлари юқори малакали шифокорлар ёрдамида даволанади.

Санаторийнинг даволаш корпуси 4 та бўлимдан иборат бўлиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Сихатгоҳ учун ўзига хос хусусият шундаки, бу ерда 800 метр ер бағридан чиқётган маъданли сув ҳам беморлар дардига малҳам бўлмоқда. Бу ҳақда хонқалик кекса шифокор Болта ўринов шундай дейди:

— Мен жуда кўп сихатгоҳларда бўлганман. Даволаниш имкониятлари ва шароитлари жиҳатидан Хонқа сихатгоҳи ҳеч биридан қолишмайди. Иссиқ маъданли сув ўзининг таркиби ва даво хусусияти жиҳатидан Трусковецк, Украина, Лучело, Грузия, Чортоқ сувлари билан бемалол рақобатлаша олади.

Сихатгоҳдаги муолажаларнинг юксак замонавий асбоб-ускуналар билан амалга ошириляптиганлиги боис бу ерга келиб дам олиш, даволашни истаганини билдираётганлар кўпчилики ташкил этади.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклидан қатъий назар қорхоналар ва ташкилотлар ходимларига маошлар тўлиқ тўланиши учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

рожаат этилди. Иштихон туманидаги Азиз Йўлдошев номли ширкат ҳўжалиги бўйича маошдан қарздорликни ундириш мақсадида ҳужжатлар ҳўжалик судига ўтказилди.

ИШ БЕРУВЧИГА ТАЛАБНОМА

Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшма Самарқанд вилоят қўмитаси тизимида маошларнинг вақтида тўлаши масаласини ўрганиб чиқди. Аниқлаштиришга, айрим қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли иш ҳақи тўлаши устидан назорат сусайтириб юборилган.

Бошланғич касабани уюшма ташкилотлари йўналишларининг 118 тасида маошларнинг вақтида тўлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. 46 та меҳнат жамоасида муаммони ҳал этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, қарорда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, касабани уюшмаларнинг тармоқ кенгашларига вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва ўз вақтида тўлашишни таъминлашда жамоа шартномаларининг, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа норматив ҳужжатлари

Булуғур туман агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшма қўмитаси ҳам 16 та ҳўжаликда маошдан қарздорликни ундиришда қатъият билан иш тутди. Қўмита тумандаги «Пир устоз» хусусий қорхонасидан тушган аризага асосан текшириш ўтказиб, уларга тегишли маблағни ундириб берди. Прокуратура аралашуви билан Ургант туман «Автомобиличи» хиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари, инженер техник ходимлари ойликларини олдилар.

Ким ҳам насабига ишларда ишловчи маошнинг вақтида олмас, тирикчилик ўтказиш муаммога айланса, ишдан кўнгил совилади, росмана фаолият юритмай қўяди. Демак, бундай қорхона, ҳўжалик, муассасада тарққийёт бўлмайди. Буни яхши англаган касабани уюшмалари ҳукумат қарорларига сунган ҳолда қатъий туриб меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилмоқдалар.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

НАЙМАНЛИКЛАР МАМНУН

Бувайда туманининг Найман қишлоғида замонавий врачлик пункти иш бошлади.

Шифо масканининг эмлаш, диагностика, физиотерапия, кичик жароҳлик муолажаларини ўтказиш, дориҳона, аёллар маслаҳатонаси, болалар бўлимида умуимий амалиёт малакасига эга бўлган ўндан ортиқ тахрибали врач ва ҳамшира найманликларга тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Замонавий меъморчилик андозалари асосида қурилган тиббиёт масканида 42 миллион 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Пункт ўн миллион сўмлик янги тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.

«АНГОРНОН» РАҚОБАТГА КИРИШДИ

Сурхондарё вилояти «Матлуботсавдо» хиссадорлик компаниясига қарашли «Ангорнон» акционерлик жамиятида Италия технологияси билан жиҳозланган макарон ишлаб чиқарувчи янги цех иш бошлади ва бу ерда тайёрланаётган махсулотлар сони ўн биттага етди.

Истеъмолчиларга пешмана-пеш етказиб бериляётган 120 тоннага яқин озиқ-овқат махсулотлари қўшни туманлар эҳтиёжини ҳам қондирмоқда.

ЭНГ НАМУНАЛИ

Кейинги пайтларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Аиникса, қишлоқ жойларида яшайдиган аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида ижобий ишлар олиб бориляптир.

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 44 минг аҳолининг аксарияти қишлоқларда истикомат қилади. Туман марказий шифохонаси ва саккизта қишлоқ врачлик пунктларида хизмат қилувчи 260 нафар шифокор ҳамда ҳамширалар иши шу боис ҳам масъулиятли. Олис ва чекка қишлоқлардаги беморларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш алоҳида малака талаб этади.

Туманда соғлом авлод давлат дастурини бажариш учун қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, болаларни вақтида эмлаш, патронаж ва туғруқхонадан чиққанидан кейин ҳамшира шифокорлар назоратида бўлиши таъминланган. Булар натижасида туманда болалар ўлими аввалги йилларга нисбатан 4-5 бараварга қисқайди. Тиббиёт ходимларининг тахрибани ва малакалари ҳамда Жаҳон тикланиш ва тараққийёт банки томонидан ажратилган 54 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилганлиги натижасида бу борадаги ишлар янада яхшиланмоқда. Марказий шифохона қошидаги ташхис маркази вилоятнинг энг намунали марказларида бирига айланган. Кўрсатиляётган тиббий хизматдан аҳоли мамнун.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

КОЛЛЕЖДА ФЕРМЕРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоқ ёзаяпти. Бу ҳаракатга аиникса, ёшларнинг илхос қўйишга ётганлиги қувончли ҳолдир. Айна пайтда барча ҳудудларда соҳани мукамал билладиган кадрларга ҳўжотқили сезилаётганлиги ҳам сир эмас. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да бу борадаги муаммоларни ечишга эътибор қаратилган.

Мирзачўл туман қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўна қоллежи ҳозир ўқув йилидан бошлаб «Усимлиқшўнос-фермер» мутахассислиги бўйича 50 нафар йигит-қизни қабул қилди.

— Талабаларимиз ўсимлиқшўнослик йўналиши бўйича чуқур билимга эга бўладилар, — дейди касб-ҳўна қоллежи директори Бегим Соғиндиқов. — Сабзавотчилик, боғбонлик, поллизчилик касблари сир-синаотларидан ҳам назарий, ҳам амалий билим олиш имкониятлари бор. Тумандаги «Глос» тахрибани ҳўжалигидан 30 гектар ер майдони олганми. Унда галла, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари етиштириб келаяпти.

Қоллеж бюджетидан ташқари маблағ топишга ҳаракат қилмоқда. Ўтган йили тахрибани участкасидан 1 миллион сўмга яқин соф фойда олинди. Бу йил ҳам пахта ва бошқа экинлардан 2 миллион 225 минг сўм соф даромад олишни мўлжалланганми.

Қоллеж 7 турдаги мутахассислик бўйича ёшларга таъмин-тарбия беради. Машғулотларнинг самарали бўлиши учун жаҳон андозаларига мос барча шароитлар мавжуд. 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган компьютер, лингафон кабинетлари фаолият кўрсатмоқда. 100 ўринли ётоқхона, 175 ўринли устахона, 240 ўринли ошхона, очқич ва ёпиқ спорт майдончалари, теннис кортлари ўқувчилар ихтиёрида.

— Ходимларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратганми, — дейди қоллеж бошланғич касабани уюшма қўмитаси раиси Улбусин Багаева. Шу мақсадда 200 минг сўм сарф қилди. 15 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг ҳар бирига моддий ёрдам ташкил этганми. Меҳнат фахриларидан 2 нафарига байрамларда 10-15 минг сўм қўмак бериб турилми. 2 нафар ўқувчига сихатгоҳга даволанишлари учун имтиёзли йўлланма ажратди.

Ҳа, бугунги талаба эртанги фермер. Қоллежда бу борада хайрли ишлар амалга ошириляпти. Туман фермер ҳўжаликлари билан шартнома тузилган. Талабалар амалий машғулотларни фермер ҳўжаликлари далаларида ўтказишади.

И. НОРИЕВ.

Тармоқ касабани уюшма қўмиталарида

он 148 минг сўмдан ошди. — Бюджетдан ташқари маблағ топиб, боқимандаликдан қутилиш масаласининг бир жиҳати. Аммо бизни ўйлантираётган иккинчи жиҳат ҳам бор.

қошидаги «Зилло» болалар дастаси ҳам халқ ансамбли деган шарафли номга сазовор бўлган эди.

Мақтаб остонасини ҳатлаш имкониятидан бебаҳра қолаётган бо-

НОГИРОН БОЛАЛАР

ўз уйларида таълим олишмоқда

қўшимча биналарнинг бирида оҳақ тайёрлаш цехи барпо этилди. Негаки, ҳар йили мактаб ва боғча биналарини таъмирлаш учун неча тонналаб оҳақ талаб этилади. Қолаверса, арзон ва сифатли, ташиб келтиришга қулай. Бу ҳаракат ҳам ўзини оқлади. Ҳар бир мактабнинг умумий даромад манбаи биналарни ижарага бериш, дўқонлар, таъмирлаш устaxonаси, ердан олинаётган фойда, пуллик хизмат, ҳўжалик ва ташкилотлар хомийлик ёрдамларини қўшиб ҳисоблаб бера оладиган, аиникса мактабларга асқотадиган ишлаб-чиқариш воситаси керак эди. «Юлдузча» болалар боғчаси ҳудудидаги

Бу таълим олаётган ўқувчи ёшлар манфаати, дейди туман таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси қўмитаси раиси Алижон Мамарасулов. — Туманимиздаги фермерлар билан ана шу масалани фикрлашиб олди. Бу йил Аҳмад Қулибеков номли ҳўжалик фермерлари Фозил Йўлдош номли 28-мактабдаги кам таъминланган хонадон фарзандларига 171 минг сўмлик дарсликлар, ўқув қуроллари олиб берди. Гулистон ҳўжалиги фермерлари ҳам ўқувчиларга 105 минг сўмлик ўқув жиҳозлари совға қилишди.

Соғлом ва баркамол авлод тарбиясига барча масъул. Буни яққол ҳис этаётган ишбилармонлар

бир миллион сўмининг ҳудуддаги 18-мактаб эҳтиёжи учун ажратиб берди. Самарали ҳамкорлик натижаси ўлароқ мавжуд 26 та мактабларнинг аксарияти замонавий талабларга жавоб бера оладиган биналарда жойлашган 2 та мактаб интернатда 200 нафарга яқин ўқувчилар чуқурлаштирилган ҳолда сабоқ олмақда. Шинам ётоқхона, уч маҳал иссиқ-овқат билан бепул таъминлаб келинаяпти. Раймжон Мухамедов номли 21 мактаб 1996 йилда ЮНЕСКО тарққибига кирувчи мактаблар қаторидан жой олди. Мактаб қошида «Дилрабо» халқ ансамбли фаолият юритиб келмоқда. Бундан бир неча йил бурун эса А.Навоий номли 1-мактаб

лар ҳам йўқ эмас. Улар тўшаққа миҳланган ногирон ёшлардир. Туман бўйича 19 нафар ана шундай қисматга рўбарў бўлганлар бор. Уларни халқ таълими бўлими, касабани уюшмаси ўз оталиғига олишган. Бу ёшлар ўз уйларида ўқишни давом эттиришга эришди. Уларнинг атрофлича сабоқ олишини таъминлаш мақсадида энг тахрибали ўқитувчилар жалб этилган. Тенгқурлар қатори улар ҳам режалаштирилган барча дарс соатларини ўқиш, имтиҳон топириш, етуклик шаҳодати олишлари мумкин.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

КИМЛАРГА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИ? ЭКСПЕРТ КОМИССИЯСИ ХУЛОСАСИГА КЎРА...

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АХМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: болалар боғчасида мудира бўлиб ишлаймиш. Вилоятимизда электр энергиясидан фойдаланишда боғча мудирларига имтиёз берилмаяпти. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Г.ЖУМАЕВА, Ш.РАСУЛОВА, Р.МАХМУДОВА, Жиззах шаҳри.

фан ўқитувчилари, мусика раҳбарлари ҳамда шу тоифадаги педагогик стажига 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерлар;
— олий ва ўрта махсус

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: Тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) хулосасига мувофиқ ходим соғлиғи ҳолатига кўра бажарётган ишига нолойик деб топилса, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин бошқа иш билан таъминлаш чораларини кўриш ва касба уюшма кўмитасининг розилигини олиш тартиби тўғрисида тушунтириш берсангиз.

Туман марказий шифохонасининг бош вазири ТМЭК томонидан II гуруҳ ногиронлиги берилиши ва бажарётган ишига нолойик, деб топилгани сабабли уни вазифасидан озод қилишда касба уюшма кўмитасининг розилиги олиниши шартми?

А. ТЎХТАЕВ, шифокор, Пайариқ тумани.

килинишидан олдин касба уюшма кўмитасининг розилиги олиниши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, бу жамоа келишуви Ўзбекистондаги барча соғлиқни сақлаш муассасаларига тегишлидир.

Ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилиш учун розилик олишда муассаса раҳбари ёки ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан бажарилади. Бу мурожаат ёзма равишда икки нусхада тузилиб, бир нусхаси ходимни ишдан бўшатишга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар (даволатнома, тушунтириш хатлари, билдиришнома, тиббий хулоса, буйруқлар ва бошқалар) илова қилинган ҳолда касба уюшма кўмитасига топширилиши ва иккинчи нусхаси ходимлар билан шугулланувчи бўлимда сақланиши керак. Хатда ходимни Меҳнат Кодексининг қайси моддасининг қайси банди билан ишдан бўшатиш назарда тутилганлиги кўрсатиб ўтилади.

Баъзи муассасаларда ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилишда розилик беришда албатта ходимнинг ижобий томонларига, кўп йиллик самарали меҳнатлариغا аҳамият бериши керак ва кўрсатиб ўтилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда у розилик бермаслиги ҳам мумкин.

Лекин бу ўринда ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра у бажарётган ишига нолойиклиги тўғрисидаги ТМЭК хулосаси кўмита йиғилишида кўрилади. Амалдаги қонунга мувофиқ иш берувчининг ёзма мурожаатини касба уюшма кўмитаси ўн кун муддат ичида кўриб чиқиб, қарор қабул қилади.

Касба уюшма кўмитаси ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилишда розилик бериши керак.

ТМЭКнинг хулосаси албатта бу қонун, у бажарилмоғи зарур. Шунинг учун юқоридаги асослар ҳисобга олинган ҳолда йиғилишда касба уюшма кўмитаси аҳолининг ҳисобга олиниши керак.

Энди Сиз саволингизда кўтарган ҳолатга келсак, қорхона ёки муассаса раҳбарининг ТМЭК хулосасига мувофиқ соғлиғи ҳолатига кўра у бажарётган ишига нолойик деб топилган бўлса, Меҳнат Кодексининг 101-моддасига биноан уни, яъни муассаса раҳбарини иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилишда касба уюшма кўмитасининг розилиги олиниши керак. Бу ҳолда туман марказий шифохонасининг бош вазирига ҳам тегишлидир.



таълим ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлари ҳамда ўқув ёрдамчи ходимлари ва шу тоифадаги педагогик меҳнат стажига 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерлар.

ЖАВОБ: Тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)нинг хулосасига мувофиқ ходимга II гуруҳ ногиронлиги ўрнатилиб, соғлиғи ҳолатига кўра бажарётган ишига нолойик деб топилса, у билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан Меҳнат Кодекси (М.К.)нинг 100-модда II қисми 2-банди билан бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси II қисми 2-банди билан бекор қилишда иш берувчи албатта қуйидаги шартларни бажариши зарур:

— тиббий хулосага биноан ходимни иш билан таъминлаш чораларини кўриш зарур, унга соғлиғига тўғри

келадиган бошқа бўш ўрин тақлиф қилиниб, унинг розилиги билан ўша ишга ўтказилиши керак. Янги ишда ишлаш муддати тиббий хулосага мувофиқ белгиланади. Меҳнат Кодексининг 218-моддасига асосан ходим соғлиғи ҳолатига кўра энгилроқ ёки нонулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида ходимнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади. Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлган ходимга жавоб бекор бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқи тўланади. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлик гуруҳи ўрнатилгунга қадар тўланади;

— муассасада тиббий хулосада кўрсатилганидек энгилроқ бўш ўрин бўлмаса ёки бундай бўш ўрин бўла туриб, ходим тақлиф қилинган бошқа ишга ўтишдан бош торса, унда иш берувчи мажбуран ўз ташаббуси билан уни вазифасидан озод қилишга ҳақли. Меҳнат Кодексининг 101-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси иш берувчининг та-

шаббуси билан (ўшбу саволга асосан 100-модда II қисм, 2-банди) бекор қилинишидан олдин, агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касба уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб, меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Агар сизлар ишлаётган муассасанинг жамоа шартномасида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касба уюшма кўмитасининг олдиндан розилиги олиниши кўрсатилмаган бўлса ҳам бу муассаса раҳбарига ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касба уюшма кўмитасининг розилигини олдиндан олмаслиги ҳуқуқини бермайди. Чунки Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирига хайъати ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси раёсатининг 2002 йилнинг 29 мартдаги қўшма мажлисида тасдиқланган Жамоа келишувида Ўзбекистон Республикасидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги Фармонида биноан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги 178-сон қарорига асосан «Уй-жой коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича аҳолига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган ва у 2001 йил 1 июлдан бошлаб амалга киритилган.

Имтиёزلардан қуйидаги педагог ходимлар фойдаланиш ҳуқуқига эга: — барча турдаги умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва болалар уйи тарбиячилари, педагогик меҳнат стажига 10 йилдан кам бўлмаган пенсияда-

АЪЗОЛИК БАДАЛИ ҲАҚИДА

Саволингизга ЎзКУФКнинг ташкилий ишлар бўлими мудирини Валижон ҚЎЧҚОРОВ жавоб беради

САВОЛ: ҳар йили пахта йиғим-терими даврида туманимизга талабалар ҳашарга келишди. Улар терган пахтаси иш ҳақининг бир фоизлик аъзолик бадали туман ихтиёрида қоладими ёки талабанинг ўқиш жойига олиб кетилиши керакми?

С. ЮСУПОВА,

Янгибозор тумани «Маданият» ширкат хўжалиги касба уюшма кўмитаси раиси.
ЖАВОБ: касба уюшмаси аъзоларининг аъзолик бадали, аъзо бўлган бошланғич касба уюшма ташкилотининг ҳисоб рақамиде қилини назарда тутилган. Шунинг учун туманимизга пахта йиғим-теримига келган ҳашарчи талабаларнинг аъзолик бадали туман ихтиёрида қолдирилмайди, аксинча, ўқув юрти касба уюшмаси ташкилоти ҳисоб рақамига ўтказилади.



Бухоро вилояти таълим ва фан ходимлари касба уюшма кўмитаси соҳада илоҳотларни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, мактабларни замон та-



Суратларда: касба уюшма фаолиятдан лавҳалар.

И.ХАСАНОВ олган суратлар.

Ижтимоий ҳимоя

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН

Конимех туманидаги «Сарибел» ширкат хўжалиги марказида яқинда хонадонларни газлаштириш ишлари нихосига етказилди. Хўжалик маблағи ҳисобидан бу ерда 3,5 километрлик масофага газ қувурлари тортилди.

Чўл бағридаги бу масканда жойлашган мактаблар ва соғломлаштириш муассасалари ҳам хўжалик ҳисобидан ҳар йили тўла таъмирлаб берилаётган. Мазкур биноларга газ қувурлари тортиш, иситиш мосламалари ўрнатиш ишлари ҳам анчадан бери хўжалик ҳисобидан бажарилади.

Хўжалик маъмурияти яқинда худуддаги мактабларнинг бошланғич синфларида ўқитган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул тушлик учун 800 минг сўм маблағ ажратди. Худди шунингдек, бу ерда мактабларга дарслик ва бошқа ўқув қўлланмалари сотиб олиш учун бир миллион сўм ўтказилди.

Хўжалик иқтисодиётининг тобора юксалиб бораётгани ишловчиларни, ночор болалар

сўм маблағ ажратилди. Билимли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олий ва ўрта махсус билим даргоҳларида тахсил олаётган 5 нафар талаба учун керак бўладиган маблағларни тўлашни хўжалик ўз ҳисобига олган, - дейди «Сарибел» ширкат хўжалиги раиси Ўрмон Кўенов. — Келажакда бу ерда бозор ва бошқа маданий-маиший мажмуалар қурилишини ҳам режалаштирялмиш. Хўжалик томонидан уюштирилаётган хайрли тадбирлардан ватан ҳимоячилари ҳам четда қолмапти. Яқинда Сирдарё вилоятидаги ҳарбий қисм кўмондонлигидан келган хатда аскарлар хузурига ташриф мобайнида давра сўхбатлари ва бир пилла чой ташкил этилганлиги, армия ва ҳалқ яқдиллигига қўшган ҳиссаси учун «Сарибел» ширкат хўжалиги раиси Ўрмон Кўеновга ҳам миннатдорчилик билдирилди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЙЎЛЛАР ОЧИЛДИ, БИРОҚ

Ўтган йили 11 сентябр фожеваларидан кейин АҚШ худудига кириш ва чиқиш жараёнлари қатъий қолиб қолди. Куни кеча бу тадбирлар бироз энгиллаштирилди. Эндиликда мазкур мамлакатда араб ва мусулмон давлатларидан келадиган фуқароларга йўл очилди, улар махсус рўйхатдан ўтиб, сафарларини давом эттиришлари мумкин. Бироқ, сарҳаддан ўтилаётган пайтда чегарачилар лозим деб топса, йўловчиларни расмага туширишлари ёхуд сўроқ қилишлари мумкин.

НАТИЖА ИККИНЧИ БОСКИЧДА БЎЛАДИ

Сербияда президент сайловларининг биринчи boskichida Югославиянинг амалдаги президенти Воислав Коштуницанинг қўли баланд келди. Унинг учун 31 фоиз фуқаролар овоз берган эди. Иккинчи ўринда бош вазири Ўрнбосари Миролуб Лабуш, учинчи ўринда Сербия радикал партиясининг номзоди Воислав Шешель бордилар. Оммавий ахборот воситалари шарҳчилари сайловларнинг 13 октябрда бўладиган иккинчи boskichida барибир В.Коштуница галаба қилса керак, демоқдалар. Чунки, В.Шешелнинг та-

рафдорлари В.Коштуница учун овоз бериш ниятидалар. Югославиянинг хозирги президенти агар галаба қилса, мамлакатда амалга ошириладиган илоҳотларни секинлик билан бир маромда олиб боришга ваъда берди.

РЎЙХАТГА ОЛИШ БОШЛАНДИ

Ўтган чоршанба куни Россия Федерациясида аҳолини рўйхатга олиш жараёни бошланди. Бу тадбир анча мушкул бўлиб, жойлардаги мутасаддилардан гоё сезгир бўлишни талаб қилади. Рўйхатга олувчи минглаб вакиллар хонадонларга ташриф буюриб, ёшлар, катта ёшдаги одамлар ҳамда пенсионерларнинг ҳаётини тўлиқ акс эттириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Рўйхатга олувчи шахс бир кунда 410 нафар кишини рўйхатдан ўтказиши керак. Бу тадбирда мамлакат Ички Ишлар, Соғлиқни сақлаш вазириликларининг ходимлари фаол ҳамкорлик қилмоқдалар. РФ рўйхатдан ўтказиш кенгашининг раиси Владимир Сорокиннинг айтишича, рўйхатга олиш жараёнлари кўнгилдагидек бормоқда.

ТЕРРОРЧИЛАР УСТИДАН СУД

Исроилда турли тоифада-


ги террорчиларга қарши шафқатсизлик билан кураш олиб борилаётганлиги мактавга сазовордир. Биргина мисол. Куни кеча мазкур мамлакатда фаолият кўрсатган террорчи гуруҳ устидан суд бошланди. Жиноятчилар Шарқий Иерусалимдаги араб қизлари тахсил оладиган мактабни портлатиш ниятида бўлганлар. Бунинг учун вайронликлар келтириб чиқарилган катта миқдордаги портловчи моддалар солинган машина илм даргоҳи олдида қўйилган. Нобакорлар «ажал машинаси»ни соат механизми воситасида портлатмоқчи



бўлганлар. Аммо полициячилар уларнинг режаларини пучга чиқариб, террорчиларни қўлга туширганлар.

КЕМАЛАР ТЎҚНАШУВИ

Яқинда АҚШ ҳарбий денгиз кучларига қарашли «Хелена» атом кемаси Жанубий Корея портларидан чиққан балиқ овлаш кемаси билан тўқнашиб кетди. Фалокатнинг ўз беришига айни пайтда АҚШ ва Жанубий Корея ҳарбийларининг денгизда олиб бораётган ўқув машқлари сабаб бўлди. Тўқнашувда қурбонлар ва азият чекиш ҳолатлари кузатилмади.



Бор бўл, оқибат!

«СЕМУРҒ» МЕҲР - САҲОВАТ РАМЗИ

нодавлат-нотижорат ташкилотлари яна биттага кўпайди

Меҳр-мурувват рамзи, саҳоват элчиси сифатида «Семурғ» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг мақсади, озодликдан маҳрум этилган, жазони ўтаётган шахсларни қайта тарбияланган етук, барқамол инсонлар сифатида жамиятга қайтариш учун уларга моддий ва маънавий кўмаклашишдан иборатдир. Мазкур жамғарма раиси Рихсибой Миркосимов бу ҳақда шундай дейди:

Меҳр-мурувват рамзи, саҳоват элчиси сифатида «Семурғ» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди, унинг мақсади, моҳияти билан танишиб, кўнглимда бир илиқлик пайдо бўлди. Сабаби... Бундан ўн беш йил муқаддам қишлоғимиздаги бир воқеа ёдимга тушди. Ақром исми бола бўларди. Шу бола йўқчилик сабаб ўғрилиқ қилди ва болалар колониясига юборилди. Колониядан қайтгач, уни ҳеч қаерга ишга олишмади. Бу орада онаси қазо қилди. Йўқчилик яна уни жиноятга бошлади. У ҳалол яшамокчи эди. Афсуски... уни қўловчи бирор ташкилот, ёхуд инсон

маҳкумлики бошдан кечирдим. Қамокдан қайтгач, иш тополмай кўп қийналдим. Ахир мен қотил эмас, бахтсиз тасодиф қурбони эдим-ку! Мен «Семурғ» жамғармаси ҳақида эшитиб, мустақиллигимизга яна бир бора шукроналар қилдим. Бугун маҳкумларни соғлом ҳаётга қайтарувчи ташкилот бор. Дарҳақиқат, йиқилганни суяш, кўнглини кўтариш халқимизга хос бўлган фазилатлардан саналади. Ишонимизки, «Семурғ» бунинг уддасидан чиқади.

Абдулхай ЮНУСОВ.



— Пенсияга чиққанимга қадар, жазони ўташ муассасаларида узоқ йиллар ишладим. Бу даврда юзлаб маҳкумлар билан суҳбатлашимга тўғри келди. Шунда улар орасида билимга чанқок ёшларни учратганман. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, озодликка чиққач эл-юртга нафи тегадиган иш билан шуғулланмоқчи эканликларини, қилган ноҳўя ишларидан пушаймонликларини айтишарди. Бирок, озодликка чиққач эса аксарият ҳолларда уларни ишончсизлик, ҳадик қарши олади.

фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилганлиги учун фаолиятингизни маъқуллайман ва сиз раҳбарлик қилаётган ташаббускор гуруҳ ишларига муваффақиятлар тилайман. — «Семурғ»нинг туғилиши мустақиллигимиз шарофатидан, дейди Рихсибой ака. — Президентимизнинг «Жаҳолатга қарши маърифат» деган пурмаъно гапларини асосий шиор қилиб олганмиз. Биз адашган юрдошларимизни ижтимоий ҳаётга соғлом фикрли инсонлар қилиб қайтара олсак, кўзланган натижага эришамиз. Жамғарманинг номи «Семурғ» деб аташимизда алоҳида рамзий маъно бор. Семурғ қуши ҳақидаги эртанки ўқиганми? Семурғ — олийжаноблик, саҳоват ва садоқат рамзи, озодлик тимсоли. Шу маънода тузилган ташкилот ҳам ҳаётда адашганларни тўғри йўлга бошлайди.

Ушанда уларга ёрдам қилини чўзадиган, адашганларни тўғри йўлга бошлайдиган ташкилот тузиш истаги пайдо бўлганди. Бирок, мавжуд тузум бунга имкон бермасди.

Айни дамда ўнлаб, юзлаб саҳоватпеша кишилар «Семурғ» ҳисоб-рақамига пул ўтказиб, савобли ишларига хайрихоҳлик қилишяпти.

Рихсибой ака пенсияга чиққач, бу ишни амалга оширишга астойдил бел боғлади. Ватанимиз мустақилликка эришгани эса унинг орзуларига қанот бағишлади. Бўла-жақ ташкилотнинг низомини ишлаб чиқди.

Биз келажакда мажбурий хизматни ўтаётганлар ва уларнинг оила аъзолари учун иш ўринлари очишни, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишни режалаштирганмиз.

Олий Мажлис ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)га Низом лойиҳасини тақдим этди. Кўп ўтмай С.Рашидовадан расмий жавоб олди. Унда қуйидагилар ёзилганди:

«Семурғ» жамғармаси ҳақида юрдошларимиз ўз фикрларини шундай баён этдилар.


«Тузилажақ жамғарманинг мақсадлари аниқ ва раво. Асосий йўналиши ҳимояга муҳтож бўлган

Нигора Нейматуллаева, ўқитувчи: — «Семурғ» халқаро

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

бўлмади. Оқибатда эса... «Семурғ» ана шундай ҳалол яшашни, қисматида пайдо бўлган қора доғни ювиш мақсадида бўлган инсонларни тўғри йўлга солиди, уларга мадда қўлини чўзади, ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашади. Носир Абдушукоров, ҳайдовчи: — Мен «Семурғ» ҳақида эшитиб, очиги, жуда қувондим. Қисматимдаги қора кунлар бир-бир ҳаёлимдан ўтди. Эҳтиётсизлик тўғрисида аварияга учрадим. Сўнгра саккиз йиллик

КРОССВОРД



пайфазал фирмаси. 41.Ишон, из. 42.Дунё, олам. 43.Ўрта Осиёдаги чўл. 44.Туркманистондаги шаҳар. 45.Хеш-акрабо. 46.Сув ўртасидаги қуруқлик. 47.Таниқли ўзбек драматурги Шароф... 48.Қофияли кичик бадийий асар. 49.Бўёқ олинмаган ўсимлик. 50.Сон, рақам. 51.Тинч, хотиржам. 52. ... дармон. 53.Ранг. 54. Сув транспорти. 55. Эркин, хур. 56.Ўринбосар. 57.Идиш, товоқ. 58.Онамнинг синглиси. 59.Ошхона тури. 60.Тўғри, чин. 61.Лашкарбоши. 62.Покиза. 63.Улкан илон. 64.Математик атама. 65.Куйламоқ. 66.Хўл мева. 67.Кўзгу. 68.Санъат тури. 69.Уй-рўзғор асбоби. 70.Мусликий ёзув. 71.Туркиядаги шаҳар. 72.Аёллар исми. 74.Офтоб. 75.Ўзбекистондаги дарё. 76.Бурж. 77.Чўлдаги судралувчи ҳайвон. 78.Буқилган. 79.Афронистондаги вилоят. 80.Маргарин тури. 81.Отамнинг опаси. 82.Кичик зарра. 83.Пойфазал тури. 84.Баҳор оёи. 85.Ўзбек видеофильми. 86.Ширинлик. 87.Пайғамбаримиз. 88.Адолатли. 89.Оёқ кийими. 90.Дарахт. 91.Тошкент вилоятидаги шаҳарча. 92.Сувнинг лотинча номи. 93.Сабзавот.

Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.


1.Қобилият. 2.Май, шароб. 3.Геометрик шакл. 4.Ширинлик. 5.Ўқимшили. 6.Сайёд. 7.Ийртқич ҳайвон. 8.Сабоқ. 9.Севги, ишқ. 10.Дурадгор, хунарманд. 11.Ногирон болалар соғлигини тиклаш маркази. 12.Жамоа ҳўжжали раҳбари. 13.Эстрада гуруҳи. 14.Зиравор. 15.Давлат, ўлка. 16.Тоғ гули. 17.Фарғона вилоятидаги туман. 18.Семиз эмас. 19.Тустовуқ. 20.Эзма иш. 21.Ўзбекистондаги шаҳар. 22.Қўрқоқ ҳайвон. 23.Муаллим, устоз. 24.Нью - ... 25.Кун чиқар томон. 26.Тақинчок. 27.Тамга, белги. 28.Меҳнатқаш. 29.Ш.Рашидов асари. 30.Кичик сандиқ. 31.Иш қуроли. 32.Кимёвий элемент. 33.Чўлда ўсадиган дарахт. 34.Енгил шамол. 35.Ўзбекистон футбол жамоаси. 36.Янрок. 37.Хафта куни. 38.Кўпқари. 39.Фарёд, фигон. 40.Чет эл

158-СОНДАГИ ЧАЙНКРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ
1.Ожа. 2.Анор. 3.Рак. 4.Кўз. 5.Зирак. 6.Корт. 7.Тайм. 8.Мурч. 9.Чарх. 10.Халқ. 11.Кон. 12.Ниш. 13.Шараф. 14.Флот. 15.Тир. 16.Рух. 17.Хинд. 18.Дори. 19.Ион. 20.Нон. 21.Нота. 22.Араб. 23.Банк. 24.Кран. 25.Ноиб. 26.Бугу. 27.Узр. 28.Ром. 29.Мато. 30.Оғиз. 31.Соғ. 32.Фоз. 33.Зона. 34.Диск. 35.Кит. 36.Тин. 37.Ному. 38.Усул. 39.Лайл. 40.Лада. 41.Арча. 42.«Аякс». 43.Сўк. 44.Кўк. 45.Кюри. 46.Икар. 47.Раул. 48.Лули. 49.Из. 50.Завр. 51.Рим. 52.Мода. 53.Авж. 54.Жиян. 55.Нозу. 56.Удум. 57.Малик. 58.Крем. 59.Мард. 60.Дон. 61.Нав. 62.Вена. 63.Арз. 64.Зебо.

Шоҳмот оламида МАРДОНАВОР ТОШ

Америкалик таниқли олим ва ёзувчи Айзек Азимов Италия газеталаридан бирига берган интервьюсида шоҳмотни жудаям яхши кўришини, ўзининг бу борада яхшигина маҳоратга эга эканлигини таъкидлаб, фақатгина онда-сонда хаваскорлар ўртасидаги мусобақаларда қатнашишини айтди. «Биринчидан, менинг бўш вақтим кам, - дея изоҳлайди у. - Иккинчидан эса Юлий Цезарнинг узоқ вақт ўйлаш киши характерчилигига салбий таъсир кўрсатади, деган фикрига қўшиламан».

XVII асрнинг машҳур италян шоҳмотчиси Жоакино Греко (1600-1634) шоҳмот тўғрисидаги рисоласида шундай ёзади: «Рух — мардонавор тош, ундан ҳимояда фойдаланиш ақлдан эмас, бу одобсизликдир». Италиянинг «Гадзеттино» газетаси хабарига кўра, ўрта асрларда Венеция шоҳмот клубида ҳар бир ютқазган рақиб мағлуб бўлганлиги учун ўн беш соьлди тўлаши шарт бўлган. XVIII асрда яшаб ўтган немис илоҳиётчиси К.Барракнинг 1727 йили нашр этилган «Шайтон тўрлари» номи машҳур китоби бор. Муаллиф унда шоҳмот тўғрисида тўхталиб, жумладан, шундай дейди: «Шайтон кашиб ёки роҳибни уйқудан уйғотиб, шоҳмот тахтаси ёнига ўтказишга муваффақ бўлганида севинганидан қулиб юборарди».



Иккала кўринишда ҳам оқлар бошлаб, уч юришда қораларни нот қилади. Маҳоратингизни синаб кўринг. Анвар ИНОКОВ, шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.

Уй бекаларига БОДРИНГИ ПОМИДОР СОКИДА ТУЗЛАШ

Майда, бир хил катталидаги бодрингни икки учидан озгина кесиб, 10-12 соат совуқ сувга солиб қўясиз. Банкаларни тозаллаб ювиб, бугда стерилизация қиласиз. Эзилмаган, сувли помидорни тозаллаб ювиб, соқини ажратиб олсиз ва уни эмалланган идишда 30 дақиқа қайната-сиз (ўртача оловда). Банкаларга бодринг, хрен барги, саримсоқ, укропларни ичма қилиб соласиз. Устига қайнаб турган сувни қўйиб, 5 дақиқа тиндириб қўясиз. Сувини тўкиб, бу холатни яна қайтарасиз. Бу гал эса сув 10 дақиқа турши керак. Яна сувни тўкиб ташлайсиз. Энди банкаларга майдаланган қора мурч, туз, шакар ёки канд ва уксус эсенсиялини соласиз (3 литрли банкага 3 ош қошиқ туз, 1 чой қошиқда шакар ва 1 та десерт қошиқда уксус ҳисобида) ва қайнаб турган соқини қўясиз. Банкаларнинг оғзини темир қопқок билан маҳкам ёпасиз.

ЎЗБЕК КУРАШИ 2006 ЙИЛГИ ОСИЁ УЙИНЛАРИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛДИ

1998 йили жаҳон майдонига чиққан миллий курашимиз ўтган қисқа вақт мобайнида бемисл ривожланиш йўлини босиб ўтди. Жаҳоннинг турли қитъалари, мамлакатларида кураш бўйича ўтказилган чемпионатлар, халқаро турнирлар

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эшонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕРМА ЖАМОА ҚАТАРГА ЖўНАБ КЕТДИ

Тошкентда ўтган футбол бўйича қитъа чемпионати са-

Ўқидингизми, эшитдингизми?

раш баҳсларини муваффақиятли яқунлаган мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси миз субоқанинг финал босқичига йўл олганлигидан хабарингиз бўлса керак. Қуни кеча таниқли мураббий Виктор Борисов раҳбарлигидаги ёшлар терма жамоаси Қатарга жўнаб кетди. Хал қилувчи беллашувларда мамлакатимиз шарафини И.Нестеров, Т.Фаниев, Ш.Раимқулов, В.Аникин, К.Тожиёв,

Футбол БИР МАҒЛУБИЯТ, БИР ЮТУҚ умумий ғалабага кифоя қиладими?

Осиё футбол конфедерацияси раҳбариятининг Чемпионлар лигаси баҳсларини янги, аввалгиларига қараганда бир мунча юксакроқ поғонага кўтариш нияти, чамаси, ўзининг илк нишонларини бера бошлаганга ўхшади. Ҳар ҳолда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш учун халқаро майдонда тўп сураётган «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари учинчи босқичнинг дастлабки учрашувида намойиш этган ўйин шундай фикр айтишимизга асос бермоқда. Яман футбол биз учун кўп жиҳатдан номаълум бўлгани боис фарғоналиклар «Аҳли Сана» билан қандай натижага эришишларини ҳеч ким юрак ютиб олдиндан баҳорат қилишга ошиқмаган эди. Юрий Саркисянга қойил қолиш керак. У ўз шогирдларини ушбу мураккаб матчга ҳозирлай олди. Меҳмонда ўйнаётганга қарамай «Нефтчи» пухта ўйланган кўпгаб ҳужумларни уюштириб турди. Ва охир оқибатда мақсадга етди. 2:1 ҳисобидаги ғалаба Фарғона шаҳридаги жавоб учрашувида янада мустаҳкамла-нишига бемалол ишонса бўлади. Таассуфки, яна бир вақилимиз, бугунги кунда ички чемпионатимизда карвонбошилиқ қилаётган «Пахтакор» жамоасига омад қилиб боқмади. Ҳатто «Ал-Иттиҳод» дарвозасига Л.Кочелев, Ю.Никитков ва С.Жепаров томонидан йўлланган уч тўп ҳам ғалабани таъминлай олмади. Қатарлик моҳир ҳужумчи Эмад Муҳаммаднинг тўрт голи мезбонларни олдинга олиб чиқди. Жавоб учрашуви қандай кечади, албатта, ҳозирдан бир нараса дейиш қийин. Лекин «Пахтакор» икки матч натижасига кўра умумий ғалабани қўлга киритишга жуда яқин турибди.

КУЛИНГ — УМРИНГИЗ УЗАЯДИ

— Биласизми, кўрқанимдан нақ юрагим ёрилай деди-я, Тасаввуримдаги ўрмон бўйлаб кетаётган эдим тўсатдан бир катта илонни кўриб қолдим. — Ҳўш, кейинчи? — Кейин яхшилаб қарасам, илон бўлиб кўзимга қўринган нараса узун ёғоч экан. — Нега бўлмаса кўрқиб кетдингиз? — Илонни уриб ўлди-рмоқчи бўлиб олган ёғоч эса илон эканда. Автомобил ҳайдовчиси йўловчини уриб кетди. Уни бир икки жойи енгил жароҳат олдию фалокат содир бўлмади. Ҳайдовчи эса пиёдадан хаффа бўлиб вайсай кетди: — Эҳтиёт бўлиб юрсангиз бўлмайди! Ҳаммасига ўзингиз айбдор-сиз! Олти йилдан бунён автомобил ҳайдайман. Шу пайтгача ҳали ҳеч кимга зиён етказмагандим. — Сиз олти йилдан бунён ҳайдовчилик қилаётган бўлсангиз, мен 56 йилдан бунён пиёдаман. Мени тажрибам сизникидан анча кўп! — Либосига мос бош ки-йим сотиб олиш учун бир аёл дўкonga кирди. 34 та бош кийимни кийиб кўргандан сўнг, ниҳоят улардан бирини танлади. — Тезда бу шляпани уйимга жўнатиб юборинг! - деди у. — Сотувчи эса ҳайрон бўлиб: — Ҳозирок юбораман, хоним, хотиржам бўлинг. Аммо, сиз уйингизга юбораётган бош кийим, ўзингизни эски шляпангиз-ку!

Немисчадан ШУХРАТОН ИМЯМИНОВА таржимаси.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эшонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 21.55

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди, Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 9730 Буюртма Г— 919. 1 2 3 4 5 6